“ФАРҒОНА ВОҚЕАЛАРИ” – ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ МУСТАМЛАКАТЧИЛИК СИЁСАТИ ИНҚИРОЗИ

Х.Э. Ходжамбердиев

Мақолада илмий адабиётлар таҳлили асосида Ўзбекистонда XX асрнинг 70-80-йилларидаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият ёритилган. “Фарғона воқеалари” - республикада ижтимоий-сиёсий муаммолар тўпланиб қолиши ва маънавий беқарорлик оқибатида содир бўлган миллатлараро можаро сифатида талқин қилинган.

Калит сўзлар: *“Фарғона воқеалари”, “Қайта қуриш”, ОАВ, сиёсий инқироз, Фарғона, Қувасой, турк-месхетлар, миллатлараро зиддиятлар,*

В статье на основе анализа научной литературы освещена сложная политическая обстановка в конце 80-х годов XX века в Узбекистане. «Ферганские события» рассматриваются как межнациональные розни, возникшие вследствие накопившихся социально-экономических проблем и духовной нестабильностью в республике.

Ключевые слова: *«Ферганские события», «Перестройка», СМИ, политический кризис, Фергана, Кувасай, турки–месхеты, межнациональные розни.*

The article is devoted to difficult sociopolitical situation at the end of 80s of the XXth century, in Uzbekistan, which is based on the analyses of scientific literature. “The Ferghana events” considered to be as a discard among different nationalities arisen as a result of accumulated socio-economic problems and spiritual instability in the Republic.

Key words:*“Fergana occur-rance”, “Restructuring”, Mass media, political crisis, Fergana, Quvasi, Turks – Mskhets, ethnic strife.*

“Қайта қуриш” сиёсатининг сўнгги даври – 1989-1990 йилларда Фарғона вилоятида, Тошкент вилоятининг Паркент тумани ва Андижон шаҳрида миллатлараро можаролар ва тўқнашувлар бўлиб ўтди. Бу воқеалар матбуотда Совет Иттифоқи бўйлаб марказнинг нуқтаи назарини ифодалаган ҳолда ёритилди. Бу даврга келиб республикадаги ижтимой-сиёсий вазият ўта кескинлашди. Бўлиб ўтган миллатлараро можаролар ва тўқнашувларнинг сабаблари бир неча ўн йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий муаммолар, иқтисодий тушкунлик, маънавий беқарорлик кабилар эди. Қолаверса, бу ҳаракатлар узоқ йиллар яккаҳоким коммунистик мафкура ва социалистик тузум шароитида яшаган аҳолининг баъзи қатламлари кайфиятида оломончилик ҳис-туйғуларининг ифодаланиши, уларни миллатчилик шаклида ўзини намоён қилиши эди.

Ноҳақ қатағонга учраб, мамлакатда бошланган ошкоралик ва “қайта қуриш”га умид боғлаган ҳолда тарихий ватанларига қайтиш тараддудига тушган халқлардан бири 1944 йил Грузия ССРнинг жануби-ғарбий Месхетия ўлкасидан Ўзбекистонга зўрлаб кўчириб келтирилган месхети туркларидир эди [1.176]. Месхети туркларини Ўрта Осиёга кўчириб келиш давомида тўрт ой ичида йўл азобида 17 минг бегуноҳ туркларвафот этди. Ўша даврда фронтда 40 мингдан ортиқ месхети туркларивватан учун жанг қилаётган эди. Ўрта Осиёда улар 12 йил комендант назорати остида истиқомат қилишди. Бу тартибни бузганлар қамоқ жазосига ҳукм қилинган ёки 25 йилга Сибирга сургун қилинган [12.32].

1989 йилги бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш маълумотига кўра, Иттифоқ бўйича 208 минг месхети турк миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилган [2.40]. Шундан 106,7 минги Ўзбекистонда яшаган ва аксарият қисми (17 минг) Фарғона вилоятига тўғри келади [3.81].

1989 йилнинг 16 май куни “шаҳар пивохоналаридан бирида маиший негизда икки йигит жанжаллашиб қолади. Таъкидлаб айтаманки, йигитларнинг униси ҳам, буниси ҳам миллати жиҳатдан на месхет турки эди, на ўзбек эди. Бир неча кундан кейин гуруҳ-гуруҳ бўлиб, жанжал кўтардилар, бахтга қарши бу жанжалда месхет туркларидан ҳам, ўзбеклар ҳам қатнашди” [4].

1989 йил 24 май соат 10.00 ларда Қувасой шаҳрида маҳаллий ёшлар билан ёш месхети туркларидан ўртасида шакли “миллатлараро”, асл мазмуни эса безорилик тўқнашуви келиб чиқди. Тўқнашувда месхети туркларидан 150 нафар ва маҳаллий халқ вакилларидан 250-300 нафар киши қатнашдилар [13.14]. Тўқнашувнинг биринчи кунида 22 ёшли Ислом Абдураҳмонов ҳалок бўлди [13.22]. Қувасойда ҳаёт издан чиқиб, одамларда эртанги кунга ишонч йўқолди. Иқтисодиёт издан чиқиб, корхоналарда иш тўхтаб қолди. Тўқнашувнинг асл сабаби нафақат вилоятда, балки бутун республикада ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммолар йиғилиб қолиб ҳал этилмаганлигида эди. Лекин “миллатлараро” можаронинг асл сабабини яширишга уринган ёки ўзлари ҳам аниқ маълумотга эга бўлмаган вилоят ҳокимияти вакиллари қуйидагича сабабни кўрсатишга ҳаракат қилишган. Фарғона вилояти халқ депутатлари Совети ижроия комитети раиси Х.М.Мажидовнинг ахборотига кўра, “Қувасойдаги можаро сабабчилари турк ва ўзбек ёшларининг майда безорилигидан бошланиб, аҳоли ўртасида адоват ва тўқнашувларга олиб келди. Қувасой шаҳри ҳарбий комиссари В.В.Голубнинг берган маълумотига кўра: “Бу жараён бугун ёки кеча бошланган эмас, балки уч-тўрт ой аввал Болтиқбўйидан жўнатилган одамлар можарони келтириб чиқаришди. Бу эса экстремистларнинг иши дея баҳолаган” [13.31]. Ваҳоланки, ўзбек ва месхети туркларнинг вакиллари билан вилоят ва район партия комитетининг бюро аъзолари учрашув ўтказганда, ҳар икки миллат вакиллари ўзларининг талаб ва норозиликларини билдиришган. Маҳаллий халқ вакиллари турк миллати вакилларининг йиллар давомида нотўғри, қўпол хатти-ҳаракатлари мунтазам равишда давом этиб келиши оқибатида халқнинг кескин норозилигини келтириб чиқарганини баён қилди. Месхети туркларнинг бир ой давомида Қувасойни тарк этишини талаб қилиб партия Совет органларига шу масалани ҳал қилиб бериш талабини қўйдилар. Ўз навбатида, месхети туркларнинг маҳаллий халқ вакиллари уларни асоссиз “келгиндилар” деб таъна қилганликларини баён этиб норозилик билдирдилар [13.15]. Ёшларнинг можароси йиллар давомида тўпланиб келган икки халқ ўртасидаги ижтимоий зиддиятнинг ва унинг оқибатида “миллатлараро” можаронинг келиб чиқишига бир баҳона бўлган эди, холос. Совет партия ташкилотлари рақамлар ортидан қувиб халқлар ўртасида тўпланган ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ечимини излашмаган, балки эътибор ҳам бермаган. Бундан ташқари, ушбу миллатлараро зиддиятдан партия ташкилотлари ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва сақлаб қолиш мақсадида усталик билан фойдаланишган. Холис ахборотнинг йўқлиги, ҳокимият органлари ”социалистик барқарорликка” ўрганиб қолгани, улар учун бу воқеаларнинг тўсатдан рўй бергани, раҳбарларнинг нўноқлиги ва воқеаларнинг ортидан юришга ўрганиб қолганлиги натижасида бу тўқнашув бутун Фарғона водийсига тарқалиб кетди. Тез орада Фарғона, Марғилон, Тошлоқ, Кўқон, Андижон, Наманган, Тошкент шаҳарлари аҳолиси ичига тарқалиб, ёшларнинг оммавий чиқишлари, яна бошқа миллатлараро зиддиятларнинг рўй беришига олиб келди [5.166].

Чиқишлардан ваҳимага тушган маҳаллий раҳбарлар марказнинг розилиги билан намойишчиларга қарши ҳарбий қисмларни олиб келдилар. 1989 йил 8 июнь куни Қўқон шаҳрида, асосан, ёшлардан иборат бўлган тинч намойишчиларнинг ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўққа тутилиши оқибатида 50 дан ортиқ намойишчи ўлдирилди, 200 дан ортиқроқ намойишчи эса яралар бўлди [6.11-15].

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида бўлганидек, Фарғона вилоятида ҳам ишсизлар кўпайиб кетган. Шунга қарамай, шаҳар корхоналарига тубжой халқ вакилларини қабул қилишмас, ҳатто 1988 йили “Фарғона шаҳар Совети теварак-атрофда яшовчиларни ишга олмаслик ҳақида қарор чиқарган” эди [7].

Кўчаларда, майдонларда, кишилар билан гавжум жамоат жойларида қурол ишлатиш махсус қарорлар билан тақиқланган бўлишига қарамай, 1989 йил июнининг 7-8-кунлари ички қўшинлар Қўқон шаҳридаги марказий майдонларда хунрезлик қилдилар. Июннинг 7-куни халойиқ ноҳақ қамоққа олинган йигитни қўйиб юборишларини талаб қилгани учун шаҳар ички ишлар бўлими идораси олдида милиционерлар (ёки милиция либосидаги қўшин) бегуноҳ оломонни автомат ва тўппончалардан ўққа тутдилар. Бу ёвузлик халқни яна ҳақиқат майдонига бошлаб чиқди ва мазкур хунрезликни қоралаб, июннинг 8-куни халойиқ йиғин (митинг)

ўтказди. Йиғиннинг олдинги қаторидаги кишилар ўтириб, орқадагилар тик туриб, шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Х.Н.Мусабеков нутқини тинглаётган эдилар. Талабгорлар ўзларининг бешинчи талабларини ўқиб эшиттираётганларида, яна аскарлар уларни ўққа тутишган. Қарангки, Фарғона вилояти прокурорининг эътироф этишича, июннинг 7-куни "тартибсизликлар пайтида, тергов изоляторига ҳужум уюштирилганлиги ҳам асоссиз бўлиб чиқди" [7].

Шу куни оломон Қўқон темир йўл вокзали, Янги Қўқон химия заводи, Ёғ-мой комбинатини, ҳаммаси бўлиб 12 та корхоналарни эгаллади. Лекин улар Ички қўшин махсус аскарлари томонидан ҳайдаб чиқарилди. Шаҳар атрофида уйлар ва ҳовлиларни ёқиш, улардаги турли жиҳоз ва буюмларни ўғирлаш ҳолатлари юз берди. Месхети туркларни Қўқон автобазасига олиб келиб яширилгани хабарини топган оломон автобазага ҳам ҳужумлар уюштирди. Автобазадан 60 та туркни ҳарбийлар вертолёти олиб чиқади [11].

СССР Ички ишлар вазирлиги тарихида биринчи дафъа Фарғонада ўзбек туркларига қарши ҳаво десанти қўлланди. Июннинг 17-куни Марғилон шаҳри марказидаги соқчи соат беш дақиқа кам ўнда, яъни комендантлик соати муддатига ҳали беш дақиқа бўла туриб, мотоцикл минган ўзбек йигитини отиб ўлдиради. Эрталабгача кўчадаги дарахтга жасадни бўйнидан осиб қўйишади [7]. Яна айбни туркларга тўнкаб, халқни уларга қарши қаҳрлантирмоқчи бўлишди. Ҳолбуки, месхетликлар бу пайт ўз ташвиш таҳликалари билан банд эдилар.

Айрим кимсалар томонидан содир этилган хунрезликлар Марғилон шаҳри аҳолисига қимматга тушди. Шаҳардан 3700 дан ортиқ месхети турклар Россиянинг марказий туманларига кўчирилди, тўқнашувлар натижасида 16 киши ҳалок бўлди, 230 киши жароҳатланди, 396 киши ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ҳаммаси бўлиб 191 та оила яшайдиган уйларга ўт қўйилди, шундан 64 таси бутунлай вайрон қилинди [14.24].

ЎзКП МҚ томонидан тузилган махсус комиссия ҳисоботида кўрсатилишича, июнь воқеаларида 103 киши нобуд бўлиб (бу кўрсаткич 112 тага етди), шундан 52 таси месхети турклари, 36 таси ўзбеклардан иборат бўлди. 1011 киши шикастланди, 137 та ички қўшин аскари ва 110 та милиция ходими яралор бўлди. 757 та тураржой бинолари, 27 давлат объектлари, 275 та транспорт воситалари таланди ва ёқиб юборилди. СССР бош прокуратураси маълумотларига кўра, 1989 йил июль охирида 2000 дан ортиқ шахсга ҳуқуқбузарликка оид жиноий ишлар қўзғатилди, шулардан 600 таси Фарғона қирғинларида фаол иштирок этган шахслар эди. 1989 йил октябрь охирига келиб 225 та қирғин иштирокчилари қамоққа олинди, улардан 41 тасига қасддан одам ўлдирганлик айби қўйилди [11]. 1989 йил 26 июнь кунги СССР Министрлар Совети қарорига асосан, месхети турклар Россиянинг Нечерноозем ҳудудига, бундан ташқари, Белгород, Воронеж ва Курск вилоятлари қишлоқ ҳудудларига жойлаштирилди [13.62]. Қисқа давр ичида Ўзбекистондан 16282 месхети турклар кўчириб кетилган. 1991 йилнинг бошига келиб Ўзбекистондан 90 мингдан ортиқ турклар Россия, Украина, Озарбайжон ва Козоғистонга кўчиб ўтишди [3.83].

Ғарб тадқиқотчилари Севкет Айилдиз ва Ричард Карлсонлар Совет Иттифоқида юз бераётган можаролар хусусиятини таҳлил қилишган: Ўзбекистонда этник можаролар, Болтиқбўйи давлатларидаги можаролардан фарқли равишда, маҳаллий этник гуруҳлар орасида содир бўлган, Болтиқбўйида эса русларга қарши қаратилган эди [8.162].

Фарғона воқелари Ўзбекистон Компартияси раҳбарларининг ишдан кетишига сабаб бўлди. 1989 йил 23 июнда Ўзбекистон КП МКнинг 14 пленумида унинг биринчи (Р.Нишонов) ва иккинчи котиблари ўз лавозимидан олиб ташланди. Биринчи котиб этиб И.А.Каримов сайланди. Эртаси куни – 24 июнда И.А.Каримов Фарғона водийси вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган кенгашдаги нутқида Фарғона воқеалари тўғрисида қуйидаги фикрларини билдирган эди: "...шу нарса аёнки, барча воқеаларнинг илдизи – Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан боғлиқ, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилади. ...агарки биз Фарғонада содир бўлган воқеалардан зарур сабоқ чиқариб олмасак, агарки биз халқимизга воқеалар жиловини қўлга олганимизни ва биз бу масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилаётганимизни кўрсатмасак, агарки одамлар бу борада бизга ишонмаса, ишонинглар, ҳар қандай дақиқада ва ҳар қандай жойда ижтимоий портлаш юз бериши мумкин" [9.33-43-44].

Албатта, Фарғона воқеаси КПСС раҳбарлари ва СССР ҳукуматининг Ўзбекистонга нисбатан мустамлакачилик сиёсатининг оқибати, республикани аграр мамлакатдан юқорига ўсишга имкон бермаганлиги, "қайта қуриш" сиёсатининг натижаси ўлароқ юз берди. Қолаверса, Ўзбекистонни итоатда тутиш, унинг Иттифоқдан ажралиб чиқишини тўхтатиб қолиш мақсадида Иттифоқ махсус органлари Фарғона қирғинларини келтириб чиқарган эди. Лекин "пахта иши"да бўлганидек, бу сафар ҳам марказ яна Ўзбекистонни ёмонотлиқ қилишга уринди [10].

Фарғона ва бошқа шаҳарлардаги фожеавий

воқеалар маҳаллий партия, совет идоралари, жамоат ташкилотларининг халқдан ажралиб қолгани, халқнинг дардлари ва манфаатларидан бутунлай бехабар экани, ижтимоий-маиший соҳанинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганини кўрсатди. Бу пайтда республика ҳукумати қуйидаги чора-тадбирларни белгилади: пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, уни экиш ва пахта хом ашёси тайёрлашни барқарорлаштириш, пахта терими учун тўланадиган қўшимча ҳақлар ва пахта хом ашёси нархини қайтадан кўриб чиқиш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва уларнинг ер майдонларини кенгайтириш ва бошқа республикада иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий тангликка барҳам беришда муҳим ўрин тутадиган чора-тадбирларни амалга ошириш эди.

Адабиётлар:

1. Юнусова Х.Э. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва маънавий ҳаёт. Тарих фан.док... дисс. – Тошкент, 2009. – 300 Б.

2. Население СССР : По данным Всесоюзной переписи населения на 1989 г. / Госкомстат СССР.- М.: Финансы и статистика, 1990. – 45 С.

3. Жирохов М.А.Семена распада: войны и конфликты на территории бывшего СССР.- Санкт-Петербург: БХВ – Петербург, 2012 г. – 688 с.

4. Қаипберегенов О. Бу шундай бошланган эди // Правда.- 1989.- 20 июнь.

5. Хроника жизни национальностей накануне распада СССР. 1989 г. М. ЦИМО, 1994. - С.166.

6. Осипов А.Г. Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. -М.: Наука, 2004. - С.11-15.

7. Мирзо Кенжабек. Фитна санъати (1990) // http://ziyouz.uz/ matbuot/qayta-qurish-davri-matbuoti/mirzo- kenjabek-fitna-sanati-1990/.

8. Akyildiz S., Carlson R. Sovietisation in Uzbekistan 1980-1991: success or failure?// Twentieth Century Communism A Journal of international history. Issue 5. Local communisms within a global movement – USA: 2013. – p. 162.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент:Ўзбекистон, 2011. -440 Б.

10. Резня в Фергане. Из Справки Главного Управления Внутренних Войск МВД СССР от 05 июня 1989 г.// http://ru-news.ru/art_desc.php?aid=3592.

11. Ферганская Резня. Как это было. Часть 1// https://www.legendapress.ru/special-investigation/ferganskaya-reznya-kak-eto-bylo-chast-1/

12. Фарғона вилоят Давлат Архиви. (ФВДА) 8 - жамғарма, 12-рўйхат, 505-йиғма жилд, 32-варақ.

13. ФВДА, 1124-жамғарма, 15-рўйхат, 389-йиғма жилд, 62- варақ.

14. Марғилон шаҳар давлат архиви. 408-жамғарма, 5-рўйхат, 245-йиғма жилд, 24-варақ.

Андижон давлат университети,
2018 йил 6 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.д. О.Комилов)